

Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА

“05” 01 2022 йил

№ 15030-X

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси номидан фаолият юритувчи бошқарма бошлиги К.А.Шодибеков (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан ва Абдулла Қодирий номли ижод мактаби директори Б.М.Беков (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади) мазкур Шартномани қўйидагилар ҳакида туздилар:

1-боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи қўриқлаш хизмати, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик қўриқлаши кўринишида техник қўриқлаш пунктидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар

2. **Буюртмачи** объектни қўриқлашга топширади ва “Қўриқлаш” эса ушбу вазифани қўйидаги кучлар билан бажаришни ўз зиммасига олади. Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Олмазор туман қўриқлаш бўлими ҳарбийлаштирилган назоратчи орқали 1 та 24 соатлик (соат 09:00 дан соат 09:00 га қадар дам олиш кунисиз) Олмазор туман қўриқлаш бўлими ҳарбийлаштирилган назоратчи қўриқлаш пости билан қўриқлашга қабул қиласи. Манзил: Тошкент шаҳар Олмазор тумани А. Қодирий кўчаси, Абдулла Қодирий истироҳат боғи худудида жойлашган Абдулла Қодирий номли ижод мактаби биносини ҳудуди (кейинги ўринларда **объект** деб юритилади) **Ижрочига** топширади, **Ижрочи** қабул қиласи.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада қўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш **Буюртмачи** томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари **Ижрочининг** айби билан ишдан чиқсан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнгиндан қўриқлаш ва хавфхатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда ____ иш куни ичida қўриқлаш хизмати қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Олмазор туман қўриқлаш бўлими ҳарбийлаштирилган назоратчи орқали қўриқлаш объектга ____ иш куни ичida йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида қўрсатилган талабларни бажармагандай Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида қўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қўйидагича ҳисобланади:

а) пост-соат ҳисобида қўриқлаш хизмати ҳисоб варақасига асосан (шартнома 1-илова) асосан тўловни амалга оширилади

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартирishлар киритиш қонун хужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. **Буюртмачи** мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, кейинги ойнинг бошланишига 10 кун қолганда **ойлик тўловни 100 фоизи микдорида** амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг **100 фоизи** микдорида аванс тўловини кейинги ой бошланишидан **10** кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Буюртмачи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижроидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижроидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижроидан уларни бартараф этишини талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган заарни ундириш.

14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 2022 йил “___” ____даги кўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган обьектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник қўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постларро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнгиндан қўриқлаш сигнализацияси, обьект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнгин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни обьект худудининг девор тўсигидан _____ метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чорақда камида бир марта обьектнинг техник мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнгиндан қўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш қўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижроини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилётган капитал таъмирлаш ишлари, обьектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартериш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартериш ёки янгиларини очиш, обьект ёки унинг бир қисмини бошка шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, қўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартериш ёки қўшимча қўриқлаш сигнализацияси воситаларини



ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида _____ кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида қўриқлаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда қўриқлашга топшириш. Объектни қўриқлашга топширганлик ҳақида ТҚМни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг қўриқлашга қабул қилингандиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнгиндан қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик қўриқлашга топшириш, эшиклар кулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном қўриқлаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, қўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнгин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

қўриқлананаётган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни қўриқлашга топшириш, қўриқлаш тугагандан сўнг қўриқлашдан чиқариш;

қўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунига қадар қўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга қўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт рақамларини ошкор қиласлик;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

15. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя килинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида қўрсатилган қўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

16. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ қўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда қўриқлашга топширилган моддий қимматликларни қўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

қўриқлананаётган ҳудуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни қўриқлаш вақтида жойдаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнгин чиқиши ёки ёнгиндан қўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнгин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнгинадан қўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чакириши, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни қўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва қўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар хақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнгинадан қўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

қўриқлананаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида ички ишлар органининг навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, ички ишлар органи вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Куйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиной ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда;

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.



6- боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-боб. Форс-мажор

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимираши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнгинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равища кечикирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8-боб. Якуний қоидалар

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилгандан ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилгандан ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийdir.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қўйидагicha белгиланади.

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб, 2022 йилнинг 31 декабрь кунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича — белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 2022 йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 60 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиқсан, капитал ёки жорий таъмиглашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равища огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равища огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34.Буюртмачи алоҳида объектларни қўриқлашни рад қилиш ёки мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида **Ижрочига икки ой** олдин ёзма равишда маълум қиласди. (Эслатма: Банк муассасаси бекор қилиши бўйича ҳукумат қарорлари ва юқори турувчи органларини фармойишлари асос бўлади.)

35.Тарафлар ўзлари тузган хўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар. Шартнома муддати тугаши томонларни уни бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

36. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳукуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

37. Ушбу шартнома икки томонлама имзоланган кундан кейин кучга киради ва 2020 йил 14 марта кунидаги 15030-X сонли томонлар ўртасида тузилган шартнома ўз кучини йўқотади.

9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

“ И Ж Р О Ч И ”

Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси
Тошкент шаҳар, Марказ-4, Қашқар кўчаси, 3-уй
Х/р: 21 596 000 300 447 995 001
МФО: 00014 ИНН: 202 628 856 ОКЭД: 80200
Ўз.Р. Марказий банки Бош Бошқармасининг
ХКМ Тошкент ш.
Тел: 71-234-49-24

“ Б У Ю Р Т М А Ч И ”

Тошкент шаҳар Олмазор тумани
А.Кодирий кўчаси Абдулла Кодирий
истироҳат боғи худудида жойлашган
Абдулла Кодирий номли ижод
мактаби

Манзил: Тошкент шаҳар Олмазор тумани
Зарқайнар кўчаси, 6/2 уй
Телефон: 71-207-55-95 бух: 71-207-55-97
ЯФХ: 2340 2000 3001 0000 1010
Л/с: 100 010 860 262 807 092 300 347 002
ИНН: 306705557 ОКЕД: 85310 МФО: 00014
Банк: Марказий банкнинг Тошкент ш. Бош
бошқармаси ҲКМ
Молия Вазирлиги Газначилиги. ИНН: 201122919

Абдулла Кодирий номли ижод
мактаби директори

Б.М.Беков



Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси
бошлиги

К.А.Шодибеков



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Тошкент шаҳар Кўриқлаш
бошқармаси бошлиги



К.А.Шодибеков

« 05 » 2022 йил

«РОЗИМАН»
Абдулла Қодирий номли ижод
мактаби директори



Б.М.Беков

« 05 » 2022 йил


Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, А.Қодирий қўчасида жойлашган Абдулла Қодирий номли ижод мактаби биносини ва худудини қўриқлашда хизмат қилаётган Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси Олмазор туман қўриқлаш бўлими харбийлаштирилган назоратчи ҳодимларини моддий таъминлаш тўғрисида 2022 йилнинг _____ кунидан бошлаб тузилган.

ХИСОБ ВАРАҚАСИ

Кўриқлаш ойлари	Пост сони	Кўриқлаш вақти	Бир ойлик Кўриқлаш вақти	Кўриқлаш Пост соат нархи	Жами
Январь	1	24	744	32252	23995488
Февраль	1	24	672	32252	21673344
Март	1	24	744	32252	23995488
Апрел	1	24	720	32252	23221440
Май	1	24	744	32252	23995488
Июн	1	24	720	32252	23221440
Июл	1	24	744	32252	23995488
Август	1	24	744	32252	23995488
Сентябрь	1	24	720	32252	23221440
Октябрь	1	24	744	32252	23995488
Ноябрь	1	24	720	32252	23221440
Декабрь	1	24	744	32252	23995488
Жами	1	24	8760		282527520

ЖАМИ: икки юз саксон икки миллион беш юз йигирма етти минг беш юз йигирма сўм.

Тошкент шаҳар Кўриқлаш
Бошқармаси МИБ бошлиғи



Н.Н.Рўзибоев

Асос: Узбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 мартағи ПҚ-5029 сон Қарори ҳамда 17 авгуустдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-6279 Фармони ижросини таъминлаш мақсадида.